

**Оширилган тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш бўйича
икки томонлама**

ШАРТНОМА
(сиртқи таълим шакли учун)

№ _____

ID: _____

Тошкент ш.

2021 йил “ ___ ” _____

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт номидан (кейинги ўринларда – Таълим муассасаси) Устав асосида ҳаракат қилувчи биринчи проректори К.Юсупов бир томондан ҳамда ва _____ йилда туғилган _____

(абитуриент ёки талабанинг фамилияси, исми-шарифи)

(кейинги ўринларда – Таълим олувчи) иккинчи томондан, _____
(таълим йўналиши номи)

_____ бўйича бакалаврият таълим йўналишида таълимнинг сиртқи шаклида 1-курс давомида ўқитиш мақсадида мазкур икки томонлама **оширилган** тўлов-контракт шартномасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги ПҚ-4879-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 3-декабрдаги 967-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012-йил 28-декабрдаги 508-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431-сон билан рўйхатга олинган “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ Таълим муассасаси Таълим олувчини мазкур шартноманинг преамбуласида кўрсатилган таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича тўлов-контракт асосида ўқитиш, Таълим олувчи эса мазкур шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Ўқишнинг давомийлиги 5 (беш) йил бўлиб, Таълим олувчининг муваффақиятли тамомлаш муддати 2026-йил июнь охи ҳисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Таълим муассасасининг ҳуқуқлари:

- Таълим олувчидан шартномавий мажбуриятлари бажарилишини, шу жумладан Таълим муассасасининг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қилишни, ўқув машғулотларида мунтазам қатнашишни, шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишни талаб қилиш.

- Таълим муассасасининг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларга риоя қилмаган, ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида амалга оширмаган Таълим олувчига нисбатан белгиланган тартибда талабалар сафидан четлаштириш ёки бошқа чораларни қўллаш, ГРА кўрсаткичини тўплай олмаган, семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор Таълим олувчини тегишли курсда қолдириш.

- Таълим олувчи Таълим муассасасининг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларни қўпол равишда бузган, хусусан ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолларда шартномани бир томонлама бекор қилиш.

- Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўзгариши билан мос равишда шартнома бўйича тўлов миқдорини ўзгартириш.

- Истисно тариқасида шартнома бўйича тўлов муддатларини узайтириш (Таълим муассасасининг буйруғи орқали).

- Таълим олувчи белгиланган тўловни амалга оширмаганда электрон тизимлардан фойдаланиши ва дарс машғулотларига қатнашишини чеклаш.

2.2. Таълим муассасасининг мажбуриятлари:

- абитуриент шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўловни амалга оширганидан сўнг уни талабалар сафига қабул қилиш

- ўқитиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълим муассасалари Уставида назарда тутилган зарур шарт шароитларни яратиш;

- Таълим олувчиларга қонун билан берилган ҳуқуқларининг эркин амалга оширилишини ва таълим муассасаси Уставига мувофиқ мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

- Таълим олувчини тасдиқланган ўқув режаси ва дастурларга мувофиқ давлат таълим стандарти талаблари даражасида ўқитиш;

- Таълим олувчи бакалавриат йўналишини муваффақиятли тамомлаганда белгиланган тартибда диплом бериш;

- бошланадиган ўқув йилида ўқитиш учун тўловнинг белгиланган миқдори тўғрисида ўз вақтида хабар бериш;

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ёки тарифлар(ўқитиш учун тўлов қиймати) ўзгарганда таълимнинг қолган муддати учун тўлов миқдори ҳақида хабар бериш.

2.3. Таълим олувчининг ҳуқуқлари:

- таълим муассасасидан шартномавий мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;

- таълим муассасасида тасдиқланган ўқув режа ва дастурларга мувофиқ давлат стандарти талаблари даражасида таълим олиш;

- таълим муассасасининг таълим жараёнларини яхшилашга доир таклифлар бериш;

- ўқиш учун бир йиллик тўлов суммасини бир йўла тўлиқ тўлаш.

2.4. Таълим олувчининг мажбуриятлари:

- жорий ўқув йили учун шартномада белгиланган миқдорда ва муддатларда тўловни амалга ошириш;

- кейинги ўқув йиллари учун тўлов шартнома суммасини ўрнатилган тартибда белгиланган миқдорда амалга ошириш;

- тўловни амалга оширишда тўловнинг мақсадига қуйидагилар кўрсатилиши лозим: **Фискал институт, ш/х № 20210000204106074008, ИНН: 203509346, таълим олувчининг исми-шарифи, шартнома рақами ва тузилган санаси;**

- академ қарздор бўлган талабалар ўқишни давом эттириш учун қонунчиликда белгиланган кредит миқдорларига мос равишда тўловларни амалга ошириш;

- таълим муассаси Устави ва бошқа ички ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- ўқув машғулотларида белгиланган тартиб ва меъёрларга мувофиқ қатнашиш;

- таълим муассасасида белгиланган тартиб ва доирада таълим олиш ҳамда ушбу жараёнда билим даражасини ошириб бориш;

- ўзининг хатти-ҳаракатлари, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлари билан таълим муассасасининг ишчанлик обрўси ва манфаатларига путур етказмаслик ҳамда зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларини содир этишдан тийилиш.

Таълим олувчи таълимнинг кредит тизими асосида белгиланган қайта ўқитиш учун алоҳида шартнома расмийлаштиради ҳамда белгиланган муддат ва миқдорларда ўрнатилган тартибда тегишли тўловни амалга оширади.

III. ЎҚИТИШ УЧУН ТЎЛОВ ҚИЙМАТИ, ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

3.1. Таълим муассасаси ҳар ўқув йили учун ўқитиш қийматини мустақил белгилайди.

3.2. 2021/2022 ўқув йилида таълим олиш учун шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган тўлов суммаси 26 860 000 (*йиширма олти миллион саккиз юз олти миң*) сўмни ташкил этади.

3.3. Буюртмачи мазкур ўқув йили учун белгиланган тўлов миқдорини тўлиқ ёки қисмларга бўлиб тўлайди. Бунда, шартнома пулининг камида 50 фоиз тўловини 2021 йил 1 ноябргача, қолган 50 фоиз қисмини 2022 йил 1 мартгача амалга оширади.

3.4. Алоҳида ҳолатларда шартнома пулини тўлаш муддатлари Хукумат фармойиши ёки Таълим муассасаси раҳбариятининг қарори (буйруғи)га асосан узайтирилиши мумкин.

3.5. Шартнома пулини тўлаш билан боғлиқ барча харажатлар Буюртмачи томонидан копланеди.

3.6. Таълим оловчи Таълим муассасаси ички тартиб-қоидалари ва ўқув интизомини бузганлиги, фанларни ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги), бир семестр давомида узрли сабабсиз 74 соатдан ортиқ дарс қолдирганлиги, ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаганлиги учун ўқишдан четлаштирилганда илгари тўланган пуллар қайтарилиб берилмайди.

IV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг ўзаро розилиги билан;
- таълим муассасаси уставига мувофиқ маъмуриятнинг ташаббусига кўра, таълим оловчи ўқишдан четлаштирилганда;
- томонлардан бирининг шартнома шартларини бажармаганида;
- узрли сабаблар билан таълим оловчининг ташаббусига кўра;
- таълим муассасаси тугатилганида;
- амалдаги қонунчиликда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

4.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг келишувига асосан киритилади.

4.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан жавобгар бўладилар. Томонлар ўртасида пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.4. Шартнома уччала томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат
солик қўмитаси ҳузуридаги

Фискал институт

100173, Ташкент ш.

Кичик ҳалқайўли 3-уй.

Телефон, факс: 71-230-90-08

71-274-03-00

Ҳ/Р 20210000204106074008

АТБ "Капитал банк"

Мирзо Улуғбек филиали

МФО 01018

ИНН 203509346

ОКЭД: 85420

Биринчи проректор К.А.Юсупов

Имзо: _____

М.У



Таълим оловчи (талаба)

_____ (Ф.И.Ш.)

Паспорт серияси _____,
раками _____

_____ (Қим томонидан ва қачон берилган)
Манзил: _____

Телефон: _____

_____ (Ф.И.Ш.)

Имзо: _____